

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ДЖУМАНОВ САИТМУРОД АЛИБЕКОВИЧ**

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АХБОРОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАР АСОСИДА КОМПИЛЯЦИЯ ҚИЛИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автреферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Cotent of dissertation abstract of doctor of philosopliy (PhD) on economical  
sciences**

**Джуманов Саитмурод Алибекович**

Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида  
компиляция қилиш.....3

**Джуманов Саитмурод Алибекович**

Компиляция информации финансовой отчетности на основе  
международных стандартов.....27

**Djumanov Saitmurod Alibekovich**

Complication of financial reporting information on the basis of international  
standards.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ДЖУМАНОВ САИТМУРОД АЛИБЕКОВИЧ**

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АХБОРОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАР АСОСИДА КОМПИЛЯЦИЯ ҚИЛИШ**

**08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt519. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хасанов Баходир Акрамович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ибрагимов Абдугапур Каримович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	<b>Ташназаров Самиддин Низамович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Фарғона политехника институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темурашх кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-04-99; факс: (99871) 234-11-48; e-mail: [tmi@tmi.uz](mailto:tmi@tmi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темурашх кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-04-99.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси.)

**И.Н. Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С.У. Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И. Каримкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, и.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда бутун дунё мамлакатларида чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва интеграллашув жарёнлари асосида халқаро стандартларга ўтиш бугунги куннинг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакат иқтисодиётига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш орқали инвестицион муҳитни яхшиланишига имкон яратилади. Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси (IFAC) директивасида таъкидланганидек: “Молиявий ҳисобот макро ва микродаражада давлат сиёсатини ёритади ҳамда узоқ муддат давомида давлат хизматлари ва иқтисодиётни барқарор ҳолга келтиришга ёрдам беради”<sup>1</sup>. Бугунги кунда молиявий ҳисоботни такомиллаштиришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш ва уни жорий этиш барча мамлакатлар учун долзарб масала бўлиб турибди. Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда молиявий ҳисобот компиляцияси натижасида МҲХС асосида молиявий ҳисобот тузишга ўтилмоқда.

Халқаро амалиётда МҲХС асосида молиявий ҳисобот компиляциясининг услубий асосларини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада молиявий ҳисоботнинг объектлари ҳисобланган активлар, мажбуриятлар, даромад ва харажатлар ҳамда уларнинг ўзгаришига сабаб бўлувчи молиявий-иқтисодий муомалаларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришда ягона услубий тартибга эришиш, МҲХСлари талабларига жавоб берадиган ҳисобот шаклларини жорий этиш масалалари илмий тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотлар натижасида АҚШдаги умумқабул қилинган принциплар (GAAP) ҳамда МҲХСларининг ўзаро мувофиқлигига эришилиб, йирик халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан молиявий ҳисобот компиляцияси асосида молиявий ҳисобот шакллари ҳамда бош компаниялар молиявий ҳисоботини консолидациялаш услублари тавсия этилган. Лекин молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилиш масалалари етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудларида бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш бинолари ҳамда қувватлардан самарали фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида улар негизида “130 тадан ортиқ кичик саноат зоналари ташкил этилди. Ҳозиргача ушбу зоналарда 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратилиши, хорижий сармояларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятлари яратилади”<sup>2</sup>. Кичик саноат зоналарида янги иш ўринлари яратиш ва хорижий

<sup>1</sup> <https://www.ifac.org/publications-resources/accountability-now-brochure>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. 2018 йил 8 октябрь <https://president.uz/uz/lists/view/1113>

инвестицияларни жалб этиш устувор масала ҳисобланади. Аммо, бу борада “бугунги кунда хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаётлиги”<sup>3</sup> ҳолатлари мавжуд. Бугунги кунда кичик саноат зоналаридаги хўжалик субъектларида кўшимча имкониятларни қидириб топиш ва сафарбар қилиш, хорижий инвесторларни жалб этишда муҳим омил сифатида молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ҳамда 2015 йил 24 апрель ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сонли “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ахборотларини йиғиш, гуруҳлаштириш ва қайта ишлаш, молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилишни такомиллаштиришнинг айрим назарий ва услубий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар А.Аренс, Р.Адамс, М.Бенис, Р.Додж, Дж.Робертсон, Д.Р.Кармайл<sup>4</sup>, МДХ мамлакатларининг иқтисодчи-олимларидан А.В.Белавин, С.М.Бычкова, А.А.Терехов, В.Т.Чая, А.Д.Шеремет ва бошқа олимлар<sup>5</sup> томонидан ўрганилган.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. <https://president.uz/>

<sup>4</sup> Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2013. -560с.; Адамс Р. Основы аудита. Пер. с англ./под ред. Я.В. Соколова. – М.: ЮНИТИ, 2015-398с.; Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ. – М.: Аудит. ЮНИТИ, 1995.-527с.; Додж Р. Краткое руководства по стандартам и нормам аудита. Пер. с англ.: предисловие С.А.Стукова.- М.: Финансы и статистика, ЮНИТИ, 1992. -240с.; Робертсон Дж. Аудит / Пер. с англ./Дж. Робертсон – М.: Контакт, 2004. 496с.; Кармайл Д. Международные стандарты аудита/Ж.А.Кеворкова. – М.: Юрайт, 2014.-458с.

<sup>5</sup> Белавин А.В., Адаптация Международных стандартов финансовой отчетности в деятельность малых и средних предприятий «Аудит», №9, 2015.;Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. –СПБ.: Лань, 2000.-320с.; Терехов А.А. Аудит: перспективы развития. –М.: Финансы и статистика, 2001. -560 с.; Чая В.Т.Основы трансформации отчетности малых и средних предприятий в соответствии с МСФО; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. -456 с.

Кейинги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан молиявий ҳисоботни такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотлар илмий мақолалар, монографиялар чоп эттирилди ҳамда диссертациялар ҳимоя қилинди. Булар жумласига Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, И.Н.Исманов, А.А.Каримов, Д.К.Кудбиев, З.Т.Маматов, С.У.Мехмонов, С.С.Насретдинов, А.А.Остонокулов, А.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, А.Ж.Туйчиев, Б.А.Хасанов, Б.Қ.Хамдамов, И.Н.Қўзиев ва бошқаларнинг<sup>6</sup> изланишларини киритиш мумкин.

С.Н.Ташназаров томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асослари такомиллаштирилган, хусусан МҲХСлар талабларига жавоб берадиган ҳисоботларнинг янги такомиллашган шакллари ишлаб чиқилган.

Н.Б.Хўжабеков ўз ишларида бизнесни бирлаштиришда молиявий ҳисоботнинг консолидацияси муаммоларини, М.М.Тулаходжаева молиявий ҳисоботни МҲХСларига мувофиқлаштириш масалаларини ўрганган. Г.Исломова<sup>7</sup> молиявий ҳисоботнинг трансформациянинг услубий масалаларини ўз мақолаларида акс эттирган.

Бирок, ушбу илмий ишларнинг аксариятида молиявий ҳисобот компляциясининг айрим жиҳатларигина ўрганилган, муаммолар тўлиқ қамраб олинмаган. Бундан ташқари, кичик саноат зоналари мисолида ушбу масалалар умуман тадқиқ этилмаган. Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал

---

<sup>6</sup> Do'stmuratov R.D. Auditning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma. T.: Rizoqraf, 2018 y. 137-b.; Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. Монография. –Т.: Молия, 2015.; Исманов И.Н., Маткаримов Д.М. Проблемы подготовки качественных финансовых отчетностей в Республике Узбекистан. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. Электрон журнал. 2016 й.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: Дис. Автореферат...и.ф.д. – Т., 2008 й.; Кудбиев Д.К. Бухгалтерия ҳисобинингдолзаб муаммолари. Молия илмий журнал. №4 2018 й. 37 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари : и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. – Т., 2005. -40 б.-160б.; Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография. – Т: Iqtisod-moliya, 2016.-136 б.; Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография.- Publisher SIA OmniScriptum Publishing. Globe Edit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1 [https://www.morebooks.shop/bookprice\\_offer.](https://www.morebooks.shop/bookprice_offer;); НасретдиновС.С. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий масалалари. Ном. дисс. – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.; Остонокулов А.А., Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Тошкент 2017.; Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi. – Toshkent, 2014. – 318 b.; Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Солиқ Академияси, 2009. -76 б.; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. - Т.: Фан, 2005. -236 б.; Туйчиев А.Ж., Юлдашева С.Х. Совершенствование проведения аудиторских процедур при проведении аудита экологических затрат. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил; Тулаходжаева М.М. Финансовая отчетность в соответствии с МСФО. [www.norma.uz](http://www.norma.uz). 2018.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. Автореф – Тошкент. 2004 й.; Хамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф.. – Т.: 2007 -260 б.; Хўжабеков Н.Б. Бизнесни бирлаштиришда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Тошкент 2009.; Қўзиев И.Н. Аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: назарий ва методологик масалалар. Монография.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, нашриёти, 2015 й. 137 б.

<sup>7</sup> Исломова Г. МҲХС билан ишлашга тайёрмисиз. // Солиқ ва божхона хабарлари, 2015. № 26, 2-б.

этишнинг зарурлиги ушбу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб боришнинг зарурлигини белгилаб беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2017-2018 йилларга мўлжалланган ОТ-А2-31-сонли “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий таҳлилнинг замонавий усулларини қўллаш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

молиявий ҳисоботларни компиляция қилишнинг моҳиятини ёритиш, уни таснифлаш ҳамда такомиллашган таърифини асослаш;

хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботларни трансформация қилишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

кичик саноат зоналарида компиляция тамойиллари доирасида молиявий ҳисоботларни консолидация қилиш бўйича Намунавий низом лойиҳасини таклиф этиш;

молиявий ҳисоботни аудитнинг халқаро стандартлари асосида компиляция қилишда аутсорсинг ўтказиш тартиби ва унинг самарадорлигини баҳолаш усулини тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда ташкил этилган кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, молиявий ҳисобот ахборотларини ҳисоб ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида компиляция қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида индукция ва дедукция, монографик кузатиш, омилли таҳлил ва синтез ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот ахборот имкониятлари халқаро стандартларга трансформация қилиш асосида такомиллаштирилган;

компиляция тамойиллари доирасида бош ва шўъба корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини консолидация қилиш усули такомиллаштирилган; кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган хўжалик субъектларида ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши (ташкилий, техник ҳамда услубий)нинг намунавий шакли таклиф этилган;

кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш усули таклиф қилинган.



**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида компиляция қилишнинг усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

ҳўжалик юритувчи субъектлар учун молиявий ҳисоботларни трансформация қилишнинг тартиби, босқичлари ва ишчи ҳужжатлари белгилаб берилганлиги натижасида параллел ҳисобот тайёрлаш усулининг тезкорлик даражаси таъминланган;

кичик саноат зоналари субъектларида молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида консолидация қилишни Намунавий ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилганлиги молиявий ҳисоботларни хорижий инвесторларга тушунарли шаклда тақдим этиш имконини берган;

аутсорсинг хизматлари кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш усуллари бўйича берилган таклифларни қўллаш натижасида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритишнинг амалий жиҳатларини таъминлашга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар, расмий манбалардан олинган маълумотлар, тадқиқотда кичик саноат зоналарининг маълумотларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари, шунингдек, кичик саноат зонаси субъектларининг амалий маълумотлари таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган субъектлар учун молиявий ахборотларни халқаро стандартлар асосида компиляция ва трансформация қилишнинг назарий ташкилий жиҳатдан тадқиқ қилишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларининг концептуал йўналишларини белгилашда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти кичик саноат зоналарида молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилишни такомиллаштириш йўналишлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқув адабиётларини янги авлодини яратишда қўлланилиши, натижада самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган ҳўжалик субъектлари учун молиявий ҳисоботни трансформация қилиш усули бўйича таклифи “O‘ZBEKENERGO” АЖнинг молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказишда фойдаланилган (“O‘ZBEKENERGO” АЖнинг 2018 йил 3 декабрдаги

ЖО-01-21/6846-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги ва улардаги кўрсаткичлар аниқлигининг таъминланишига хизмат қилиб, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилиш вақтини тежаш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини берган;

компания таъинлари доирасида молиявий ҳисоботларни консолидация қилиш бўйича таклифи “O‘ZBEKENERGO” АЖда консолидация қилишнинг намунавий низомини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“O‘ZBEKENERGO” АЖнинг 2018 йил 3 декабрдаги ЖО-01-21/6846-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида кичик саноат зоналарининг моддий, меҳнат ва молиявий маблағлари тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилиб, уларнинг инвестицион ва инновацион салоҳиятини ошишига эришилган;

кичик саноат зоналари субъектлари учун молиявий ҳисоботни тузиш ва консолидация қилиш услуги бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифи “Тошкент шаҳар Олмазор кичик саноат зонаси” АЖнинг намунавий ҳисоб сийёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Тошкент шаҳар Олмазор кичик саноат зонаси” АЖнинг 2019 йил 2 апрелдаги 34-б-сон маълумотномаси). Мазкур ишлаб чиқилган намунавий ҳисоб сийёсатига асосан хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботни тузиш ва молиявий ҳисоботларни консолидация қилишнинг тартиби ҳамда бошқичлари белгилаб берилган;

кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган субъектларга аутсорсинг хизматларини кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш усуллари бўйича таклифи “O‘ZBEKENERGO” АЖнинг аутсорсинг хизматларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“O‘ZBEKENERGO” АЖнинг 2018 йил 3 декабрдаги ЖО-01-21/6846-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида кичик саноат зонасида халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ҳамда ташқи фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 2 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференциялари тўпламларида 12 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усуллари тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши изохлаб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот ахборотларини компиляция қилишнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда иқтисодийти модернизациялаш шароитида кичик саноат зоналарини ташкил этишнинг зарурати, моҳияти ва истиқболлари, молиявий ҳисобот ахборотларини компиляция қилишнинг хориж тажрибаси ва босқичлари тадқиқ этилган.

Бугунги кунда республикада кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар мазкур субъектларнинг самарали фаолият юритишларига ҳисса қўшмоқда. Кичик саноат зоналарини ташкил этишдан мақсад - давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган ҳудудлари негизида уларнинг бой табиий - иқтисодий, минерал - хомашё, илмий - техник ва меҳнат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга асосий эътибор бериш ҳисобланади. Бундай зоналарни барпо қилиш янги, рақобатбардош саноат ҳамда кичик хусусий корхоналар ривожини қўллаб - қувватлаш ва рағбатлантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳамда ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада мақбуллаштириш шароитини туғдираётгани билан аҳамиятлидир<sup>8</sup>.

Ҳозирги кунда кичик саноат зоналарининг ягона бошқарув органи – дирекциялар ташкил этилган бўлиб, бу ҳудудларда юридик ва нотариус хизматлари йўлга қўйилган. Тадбиркор ва ишбилармонларга қўшимча равишда кредит олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда муаммо бўлмаслиги учун ҳар бир зонага муайян тижорат банкининг минибанки бириктирилган. Бозор конъюнктураси ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истиқболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилган<sup>9</sup>.

<sup>8</sup> Кичик саноат зонаси: имкониятли ва имтиёзли. <http://www.biznes-daily.uz/ru/51334-kichik-sanoat-zonasi-imkoniyatli-va-imtiyozli>

<sup>9</sup> Кичик саноат зоналари иқтисодий тараққиётнинг фаол иштирокчиси. <http://uza.uz/uz/business/kichik-sanoat-zonalari-i-tisodiy-taraqqiyet-ning-faol-ishtirokchisi-22-08-2017>. (Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот агентлигининг расмий сайти.

Шубҳасиз, бу ташкилий тадбирларнинг самараси оқилона ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби ва аудит хизматига боғлиқдир. Кичик саноат зоналарида бухгалтерия ҳисоби ахборотларини йиғиш, гуруҳлаштириш ва қайта ишлаш, молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилишнинг айрим назарий-услубий масалалари хорижлик ва ватанимиз иқтисодчи олимлари томонидан атрофлича ўрганилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Молиявий ҳисобот компиляциясига берилган таърифлар<sup>10</sup>**

Иқтибос келтирилган манба	Муаллифлик таърифи
Костюкевич Ю.М.	Одатда молиявий ҳисобот компиляцияси ўз ичига (бухгалтерия) молиявий ҳисоботни тузиш, шунингдек, уни йиғиш, гуруҳлаш ва умумлаштиришни ҳам олади. Бироқ, молиявий ҳисобот компиляцияси бу ундаги ахборотларнинг ҳаққонийлигини текшириш ёки бухгалтерга бухгалтерия ҳисоботини тузишни ташкил этишда ёрдам беришга оид хизмат кўрсатади, дегани эмас <sup>11</sup> .
Шеремет А.Д.	Бу муаммони прогнозлаштирилган молиявий ахборотни текшириш нуқтаи-назаридан тадқиқ қилган <sup>12</sup> .
Россия Федерал қоидаси (стандарт) № 31	Молиявий ахборот компиляцияси – бу молиявий ахборотларни йиғиш, таснифлаш ва умумлаштириш, шунингдек унинг бўлиши мумкин бўлган трансформацияси, яъни Россия Федерацияси қонунчилиги талабларига мувофиқ молиявий (бухгалтерия) ҳисобот шакллари молиявий (бухгалтерия) ҳисоботнинг бошқа шаклларига қайта ташкил этишдир <sup>13</sup> .
Compilation of Financial Information//	Молиявий ҳисобот компиляцияси – бу аудиторларга бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасида ишончли ва ҳаққоний ақс этириш бўйича хулосаларга келиш ҳамда молиявий ҳисоботни IAS, МХХС ва АҚШ ГААРларига мувофиқ равишда тузиш ва тайёрлашда тақдим этиладиган тажрибалардир <sup>14</sup> .
Financial statement compilation	Молиявий ҳисобот компиляцияси – бу компания раҳбариятига ўзининг молиявий ҳисоботини тақдим этишда ёрдам берувчи хизматдир. Компиляция доирасида раҳбарият ўз зиммасига молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим учун масъулиятини ўз зиммасига олади <sup>15</sup> .
Булбулов. Ф.	Компиляция молиявий (бухгалтерлик) ҳисоботларини тўлиқ ҳолда ёки қисман қамраб олган ҳисоботларни тузишни, шунингдек, бошқа зарур молиявий ахборотларни тўплаш, туркумлаш ҳамда умумлаштиришни ўз ичига олади <sup>16</sup> .
Дусмуратов Р.Д.	Компиляция келишувда бухгалтер ўзининг бухгалтерия ҳисоби бўйича билимларни, аудитга оид билимларига қарама-қарши ҳолда, молиявий ҳисоботни тўплаш, туркумлаш ва умумлаштириш учун қўллаш мақсадида жалб қилади <sup>17</sup> .
Ташназаров С.Н.	Молиявий ҳисобот компиляцияси – бу молиявий ахборотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш, таснифлаш ва умумлаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисобот форматларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ёки бошқа инвестиция киритган мамлакатнинг стандартлари асосида трансформация қилиш жараёнларини ўз ичига олади <sup>18</sup> .
Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З.	Компиляция келишувининг мақсади бухгалтер молиявий ҳисоботни тўплаш, туркумлаш ва умумлаштириш учун, аудит бўйича билимларга қарама-қарши ҳолда, бухгалтерия ҳисоби бўйича билимларидан фойдаланишдан иборат <sup>19</sup> .

Берилган таърифлардан кўриниб турибдики, хорижий манбаларда ва миллий адабиётларимизда молиявий ҳисобот компиляциясига берилган ягона таъриф мавжуд эмас.

<sup>10</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган

<sup>11</sup> Костюкевич Ю.М. Сопутствующие услуги аудита . <http://kostyukevich.ru/>

<sup>12</sup> Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник.- М.: ИНФРА-М, 2009 г. 456 с

<sup>13</sup> Россия Федерал қоидаси (стандарт) № 31 “Молиявий ахборотлар компиляцияси” <http://www.docaudit.ru>

<sup>14</sup> Compilation of Financial Information// <https://www.grantthornton.com>.

<sup>15</sup> Financial statement compilation <https://www.accountingtools.com/articles/what-is-a-financial-statement-compilation.html>

<sup>16</sup> Булбулов Ф. Компиляция финансовой информации. Аудит. <http://www.bdo.tj/ru/>

<sup>17</sup> Do’smuratov R.D. Auditing xalqaro standartlari. O’quv qo’llanma. T.: 2018, 134 b.

<sup>18</sup> Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисобот: атамалар тавсифи ва талқини. Монография. Самарқанд. “Матбаа нашриёти”:2018., 42-б.

<sup>19</sup> Karimov A.A., Islomov F.R., Avloqulov A.Z. Xalqaro audit. Darslik.–T. “Iqtisod-moliya”, 2015y. 328 b

Фикримизча, молиявий ахборот компиляциясини таърифлашда унинг молиявий ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ҳамда молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш бўйича кўрсатиладиган хизмат эканлигини эътиборга олишимиз керак. Бу тушунча молиявий ҳисоботнинг трансформация жараёнидан кенгроқ тушунчадир. Манбаларда келтирилган фикрларни танқидий ўрганиш асосида қуйидагича таърифни келтирамиз:

**Молиявий ахборот компиляцияси** – бу молиявий ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан тузилган молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга трансформация ва консолидация қилиш бўйича кўрсатиладиган кўшимча аутсорсинг хизматларидир. МҲХСлар асосида молиявий ҳисоботни консолидация ва трансформация қилиш компиляциянинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Бироқ молиявий ҳисобот компиляцияси – бу ундаги ахборотларнинг ҳаққонийлигини текшириш ёки бухгалтерга молиявий ҳисоботни тузишни ташкил этишда ёрдам беришга оид хизмат кўрсатади - деган хулоса чиқаришга асос бўла олмайди.

Бу борада Россия Федерациясида молиявий ахборотлар аудити тажрибаси диққатга сазовордир. Хусусан, аудит Россия ҳудудида 810-сонли аудитнинг халқаро стандарти (АХС) “Умумлаштирилган молиявий ҳисобот тўғрисида хулоса тақдим этиш бўйича топширик”, шунингдек, 31-сонли “Молиявий ахборот компиляцияси” номли аудиторлик фаолияти қоидалари (стандартлари) (АФҚ(С) га биноан тартибга солиб борилади. Мазкур ҳужжатга биноан компиляциянинг мақсади – аудитор учун, аудит соҳасидаги эксперт билимларидан фойдаланиш эмас, балки бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги эксперт билимларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Бу қоидалар(стандарт) еттита қисмдан иборат:

муқаддима; молиявий ахборот компиляциясининг мақсади; молиявий ахборот компиляциясини бажаришнинг умумий тамойиллари; молиявий ахборот компиляцияси шартларини аниқлаш; муолажалар (жараёнлар); молиявий ахборот компиляциясининг бажарганлиги тўғрисидаги ҳисобот тайёрлаш; молиявий ахборот компиляцияси бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларнинг Намуналари (Стандартга иловалар).

Беларусь Республикасида амал қилаётган молиявий ахборотларни компиляция қилиш бўйича топшириқлар ўз ичига қўйидагиларни олиши талаб этилади:<sup>20</sup>

молиявий ахборотни компиляция қилиш бўйича топшириқларнинг мақсади ва ҳажмини;

тақдим этиладиган ахборотнинг ҳажми;

молиявий ахборотларни тарқатиш ва фойдаланишнинг тахминий йўналишлари;

---

<sup>20</sup> Национальные правила аудиторской деятельности "Задания по компиляции финансовой информации". Постановление Министерства финансов Республики Беларусь от 30 июня 2015 г., №32. [http://www.minfin.gov.by/ru/auditor\\_activities/legislative.html](http://www.minfin.gov.by/ru/auditor_activities/legislative.html)

аудиторлик ташкилоти томонидан миждознинг молиявий ахбороти аниқ ва тўлиқ эканлиги текширилмайди ва молиявий ахборот бўйича компиляция қилинган аудиторнинг фикрида у ўз аксини топмайди;

аудиторлик ташкилотини топшириқни бажариш пайтида юзага келадиган саволлар ва зарур ҳужжатлар, тушунтиришлар, изоҳлар ва бошқа ёзма, оғзаки, шунингдек электрон кўринишдаги ахборотлар билан таъминлаши зарур.

Одатда, бу молиявий ҳисоботни тузиш технологиясини текширмасдан, балки унинг мазмун-моҳиятини молиявий ахборотларни бошқарув манфаатлари учун қулай шакл ёки ҳолатга келтириш тушунилади.

Бунда аудитордан молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ёки тўғри тузилганлиги бўйича фикр билдириш ёки хулоса бериш талаб этилмайди. Чунки, компиляция аудиторнинг шартнома асосидаги қўшимча хизматлари туркумига киради.<sup>21</sup>

Тадқиқот ишида молиявий ахборотларни компиляция қилишга олиб келувчи сабаблар ва эҳтиёжлар таҳлилий жиҳатдан тизимлаштирилиб, қуйидаги жадвалда акс эттирилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Молиявий ахборотлар компиляцияси элементлари, сабаблари ва эҳтиёжларининг қиёсий таҳлили<sup>22</sup>

Компиляция қилишга эҳтиёжнинг пайдо бўлиши (вазият)	Компиляция қилишнинг сабаблари	Компиляция қилинадиган объект ва муддати
Йиллик ҳисобот тузишни охирига етказиш, тугаллаш, молиявий ҳисоботни топшириш.	Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ҳажмда юритилган, молиявий ҳисобот шакллари ва регистрлари танланган ҳамда йиллик ҳисоботни топшириш лозим бўлган бир пайтда бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари ишдан бўшаб кетган ёки касал бўлиб, ишга чиқмаслиги аниқланган ҳолат пайдо бўлган.	Хўжалик юритувчи субъектлар, 10-15 кун
Консолидациялаштирилган (умумлаштирилган) молиявий ҳисоботни тузиш	Хўжалик юритувчи субъектларнинг гуруҳга кирувчи ўзаро боғлиқ бўлган шўъба ва қарам корхоналари молиявий ҳисобот маълумотларини консолидация қилишнинг тамойиллари асосида амалда тартибга солинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан умумлаштириш орқали консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни шакллантирилса, бунда юқори малакали касбий тайёргарликка эга бўлган мутахассислар талаб этилади.	Хўжалик юритувчи субъектлар, 20-25 кун
Миллий стандартлар бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилиш	Миллий қонунчиликка мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларни бошқа шаклларга (масалан, IFRS (МХХС), АҚШнинг GAAP)га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот шаклларига ўтказиш. Прогноз ва якуний баланслар тузиш, сегментар ҳисоботлар, ишлаб чиқариш ҳисоботларини тайёрлаш, анъанавий ёндашувлардан фарқли равишда тузилган, мисол учун жараёнлар бўйича ҳисобот тузиш ва ҳ.к..	Хўжалик юритувчи субъектлар, 1 ой ичида
Корхона раҳбариятига тезкор ва прогноз бошқарув ҳисоботлари тайёрлаш	Хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув ҳисоботларини қулай ва тушунарли тарзда шакллантириш. Тезкор ва прогнозли молиявий ахборотлар ва ҳисобот тақдим этиш	Хўжалик юритувчи субъектлар, 10-15 кун

Молиявий ахборот компиляциясининг бажарилганлиги тўғрисидаги

<sup>21</sup> Правило(стандарт) №31 Российской Федерации. “Компиляция финансовой информации”. <http://be5.biz/ekonomika/as/31.htm>[дата обращения 30 января 2019 г.]

<sup>22</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

аудитор мижозга ҳисобот тайёрлайди. Компиляция бўйича аудиторнинг ҳисоботи ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Унинг титулига ёки ҳар бир варағига уч хил ёзув қилиниши лозим:

молиявий ахборот компиляцияси аудит ўтказилмасдан амалга оширилган;  
аудит ёки танланма текшириш ўтказилмасдан компиляция бажарилган;  
молиявий ахборот компиляция қилинганлиги тўғрисида ҳисобот тузилган


ва тақдим қилинган.

Диссертациянинг “**Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида компиляция қилишнинг айрим масалалари**” деб номланган иккинчи бобида бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шакллари халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш услублари, молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятлари таҳлили чуқур тадқиқ этилган.

Ҳозирги пайтда амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларни халқаро ва маҳаллий экспертлар, аудиторларга қўшимча маблағ тўлаш эвазига халқаро стандартлар (МҲХС)га ўтказмоқдалар.

Компиляциянинг муҳим ва зарурий элементи инвесторларнинг талабига кўра молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилиш ҳисобланади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос келувчи барча ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш 1-сонли МҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” билан тартибга солиб орилади.

Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида трансформация қилишда бухгалтерия балансини тузиш модули муҳим саналанади. Чунки корхонанинг мулкӣ ҳолати, активлар ва мажбуриятларни қоплаш муддати тўғрисидаги ахборот унинг тўлов қобилияти ва ликвидлигини баҳолашда фойдалидир (1-расм).



**1-расм. Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида трансформация қилишда бухгалтерия балансини тузиш модули<sup>23</sup>**

<sup>23</sup> GAAP (Карана и Агентство США по Международному развитию) /<https://gaap.ru/articles>. принциплари асосида муаллиф ишланмаси.

Бироқ амалдаги БҲМСларининг молиявий ҳисобот компиляцияси талабларига мос келмаслиги сабабли, МҲХСларига ўтиш зарурлигини эътироф этамиз. Фикримизча, бу камчиликни бартараф этиш учун дастлабки босқичда молиявий ҳисоботни трансформация қилиш ва консолидациялашни параллел равишда юритиш, кейинги босқичларда эса, уларни тўлиқ халқаро стандартларга ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида трансформация қилишда бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятларни узоқ ва қисқа муддатли қисмларга ажратиб туркумлаш зарур. Қайд этилган режа ва босқичлар бўйича халқаро стандартлар талабларига мувофиқ гуруҳдаги компанияларнинг молиявий ҳисоботларини трансформациялаш қоидалари ишлаб чиқилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Молиявий ҳисоботни МҲХС бўйича трансформация қилиш режаси ва босқичлари<sup>24</sup>

1.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатининг ҳолатини таҳлил қилиш
2.	Айланма-сальдо баланси счётларини таҳлил қилиш ва ишчи ҳужжатларни тайёрлаш
3.	Мижоз хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан тавсия қилинаётган бухгалтерия тузатиш ёзувларини келишиш ва тузиш
4.	Бухгалтерия ёзувларини тузатиш, бухгалтерия счётларини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш. Ҳисобот даври якунига қайта тузилган бухгалтерия балансини шакллантириш
5.	Қайта гуруҳлаштирилган икки ёқлама бухгалтерия ёзувларини тузиш
6.	МҲХС талабларига мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот тузиш учун ишчи жадвалларини тайёрлаш
7.	МҲХС талабларига мувофиқ ялпи даромад тўғрисидаги ҳисобот тузиш учун ишчи жадвалларини тайёрлаш
8.	МҲХС талабларига мувофиқ пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот тузиш учун ишчи жадваллар ва ахборот тайёрлаш
9.	МҲХС талабларига мувофиқ капитал таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот тузиш учун ишчи жадваллар ва ахборот тайёрлаш. Ҳисоб сиёсати тавсифи
10.	Молиявий ҳисобот шакллари тузиш ва унга тушунтиришлар, изоҳлар бериш

Тадқиқот ишида шу мақсадда кичик саноат зоналарида молиявий ҳисобот кўрсаткичларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш учун трансформация жадвали шакли таклиф этилган (4-жадвал).

Мазкур жадвал трансформация жараёнини тўғри амалга ошириш ҳамда МҲХС талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботни шакллантириш имконини беради.

Мазкур жадвалга асосан, узоқ муддатли активлар ва жорий активлар ўртасида тузатишлар амалга оширилган. Қайта гуруҳлаш бўйича узоқ муддатли активлар ва жорий активлар, тушум ва одатдаги фаолият билан асосий

<sup>24</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган



бўлмаган тушум, таннарх ва одатдаги фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ўртасида фарқлар акс эттирилган.

Бу ўз навбатида, йил охирида ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир қилган.

#### 4-жадвал

### Яккасарой кичик саноат зонаси «PRONTO TEXTILE GROUP» МЧЖнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш учун таклиф этилаётган жадвал, (минг сўм)<sup>25</sup>

Молиявий ҳисобот моддалари	Ўтган йилнинг бошидаги натижа (қолдик)	МҲХС асосида ўтган йилларни тузатишлари	Тузатишлардан кейинги натижа	Қайта гуруҳлаш	Жорий йилнинг тузатишлари	Йил охирига натижа (МҲХС бўйича)
Узоқ муддатли активлар	280390	5562	285952	203193	8639	211832
Жорий активлар	824775	-5562	819213	901972	-8639	893333
Мажбуриятлар	823530		823530	823530		823530
Капитал ва тақсимланмаган фойда	281635		281635	281635		281635
Тушум	1611582		1611582	1624822		1624822
Таннарх	1154755		1154755	1154755		1154755
Ялпи фойда	456827		456827	470067		470067
Операцион харажатлар	153668		153668	153668		153668
Молиявий фаолиятга доир даромадлар	214975		214975	214975		214975
Молиявий фаолиятга доир харажатлар	469380		469380	469380		469380
Асосий фаолиятнинг фойдаси	48754		48754	61994		61994
Асосий бўлмаган тушум	199620		199620	186380		186380
Одатдаги фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар	127346		127346	110020		110020
Солиқ тўлагунга қадар фойда	121028		121028	138354		138354
<b>Соф фойда</b>	<b>114977</b>		<b>114977</b>	<b>131436</b>		<b>131436</b>

Хўжалик юритувчи субъектнинг соф фойдаси йил бошида 114 977 минг сўмни ташкил этган бўлса, тузатишлар ва қайта гуруҳлаш натижасида йил охирида 131 436 минг сўмга ортганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш лозим.

Ушбу таклиф этилаётган миллий стандартлар асосида тузилган бухгалтерия балансини трансформациялашган шаклини тузиш бир қанча қадамларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Шулардан муҳими прогноз балансидан якуний балансга ўтиш саналади (5-жадвал).

<sup>25</sup> "PRONTO TEXTILE GROUP" МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**МХХС асосида жорий активлар бўйича бухгалтерия тахминий (прогноз) баланси моддалари билан якуний баланс моддалари ўртасидаги боғлиқ тархи<sup>26</sup>**

МХХС бўйича тахминий баланс			МХХС бўйича бухгалтерия баланси	
Счетнинг номи	Дебет	Кредит	Моддалар	Сумма
<b>ЖОРИЙ АКТИВЛАР</b>	<b>3233448</b>		<b>АКТИВЛАР</b>	
<b>Пул маблағлари</b>	<b>705129</b>		<b>ЖОРИЙ АКТИВЛАР</b>	<b>3233448</b>
Ташкилотнинг кассаси	0		Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	705129
Ҳисоблашиш счёти	705129		Олинадиган счётлар	2312767
Валюта счёти	0		Қисқа муддатли дебиторлик қарзи	40969
<b>Олинадиган счётлар</b>	<b>2312767</b>		Солиқлар бўйича дебиторлик қарзи	0
Тайёр маҳсулот учун олинадиган счётлар	2295488		Товар-моддий захиралар	112440
Бошқа олинадиган счётлар	2579		Аванс билан тўланган харажатлар	62143
Даргумон қарзлар бўйича резерв	14700		<b>Жами жорий активлар</b>	<b>3233448</b>
<b>Қисқа муддатли дебиторлик қарзи</b>	<b>40969</b>			
Ҳисобдор ходимларнинг қарзи	40000			
Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарздорлиги	969			
<b>Дебиторлик қарзи</b>	<b>0</b>			
Қўшилган қиймат солиғи бўйича дебиторлик қарзи	0			
Ижтимоий суғурта жамғармасига ажратмалар бўйича дебиторлик қарзи	0			
<b>Товар-моддий захиралар</b>	<b>112440</b>			
Ҳомашё ва материаллар	112440			
Сотиб олинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар	0			
Инвентар ва хўжалик жиҳозлари	0			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	0			
Тайёр маҳсулот	0			
<b>Аванс билан тўланган харажатлар</b>	<b>62143</b>			
ТМЗларни етказиб берувчиларга аванс билан тўланган харажатлар	61124			
Келгуси давр харажатлари	1019			

Тадқиқот ишида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ дастлабки бухгалтерия балансини тузиш ва уни МХХСга трансформация қилиш молиявий ҳисоботнинг ҳар бир шакли бўйича алоҳида-алоҳида ҳолда келтирилган.

Мазкур тавсиялар амалдаги бухгалтерия балансини МХХСларига мувофиқлаштириш ва унинг қулайлик даражасини оширишга хизмат қилади. Жумладан, илмий ишда баланс ҳисоботининг муҳим бўлими ҳисобланган асосий воситалар (мулк: бино, машина ва асбоб-ускуналар) моддасини трансформация қилиш бошқичлари тавсия қилинган, хусусан:

авваламбор, асосий воситаларнинг таркибий қисмларини миллий ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириб олиш зарур. Бу жараёни асосий

<sup>26</sup> Яккасарой КСЗ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

воситаларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги фарқни расмийлаштириш жадвалини тузиш орқали амалга ошириш таклиф этилган;

асосий воситаларни бошланғич қиймати ва яқуний баланс қийматининг шаклланиши ўртасидаги фарқларни тузатувчи проводкалар шакллантирилади;

асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш учун уларнинг фойдали хизмат қилиш муддатлари белгиланади;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича асосий воситаларга келгусида қилинадиган харажатлар ўртасидаги фарқни аниқлашга эътибор қаратилади;

корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида 16-сон МҲХС “Асосий воситалар” стандартининг 30-параграфида изоҳланган таннарх бўйича ҳисобга олиш модели ёки 31-параграфга мувофиқ қайта баҳолаш моделидан бирини танлаши ва танланган модель корхона ҳисоб сиёсатига биноан асосий воситаларнинг барча гуруҳлари бўйича қўлланилиши талаб этилади. Асосий воситалар объектлари ҳисобдан чиқарилганда, уларни қайта баҳолаш бўйича яратилган резерв корхонанинг тақсимланмаган фойдасига ўтказилади;

асосий воситаларнинг кадрсизланишидан кўрилган зарар аниқланиб, бу мулкни кадрсизланишидан кўрилган зарар асосий воситаларнинг бошланғич қийматидан айирилади. Бу қоида амалдаги бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида ўз аксини топмаганлиги кузатилади.

